



## Савол:

Салафлар хакида маълумот берсангиз уларни фирка деса бўладими?  
Нимага?

## Жавоб:

Бисмиллаҳ вас-солату вассаламу ала росулиллаҳ ва баъд:

Исломда ёлгиз бир фиркани тан олинган уни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз хадисларида «нажот топгучи фирка» ва «голиб бўлувчи тоифа» деганлар. Салафлардан мурод саҳобалар, тобиинлар, таъба тобиинлар ва уларнинг изларидан борган барча ўтган солих кишилардир. Фирканинг маъноси таркоклик эканини аввалги жавобларимизда айтган эдик. Хулафо ар рошидинлар даврида мусулмонлар бир жамоа бўлишган. Шунинг учун уларни фирка деб атамок хатодир. Балки, улар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек «нажот топгучи фирка» нинг мезонидирлар. Тобиинлар ва улардан кейинги даврларда мусулмонлар жамоасида турли фиркалар чика бошлади. Шунинг учун ўшал фиркалардан биргинасини «нажот топгучи фирка» деб айтилса бўлади. Улар Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек : «Улар жамоатдир» , «улар мен ва асхобларим бўлган нарса (яъни: эътикод, сўз ва амал) да бўлганлар». Жамоа хакида «улар саҳобалар, бошка ривоятда илм, фикх ва хадис аҳли» -дейилган. Аслида эса салафларни «алфиркатун ножиъа» «нажот топгучи фирка»деб айтмок маъно касб этмайди. Чунки, салаф дейилганда ана шу фиркадан бошкаси тушунилмайди. Бирок тўмток килиб «салафлар хам фирка бўлишган» – **деб айтмок хато, мумкин эмас.** Салафларга нисбатан «фирка» калимасини ишлатилганда «нажот топгучи» сифатини кўшиб «нажот



Ислом Нури

Салафлар хакида маълумот берсангиз уларни фирка деса бўладими?  
Нимага? | 2

топгучи фирка» деб айтмоқ лозим. Валлоху аълам